

РАНГ РАМЗЛАРИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Зубайда Жумаева. ЖДПИ

Аннотация

Мақолада турли иборалардаги қора рангнинг рамзий маънолари тадқиқи этилган.

Калит сўзлар: олам, англамоқ, ҳаёт, фарқ, ранг, моддий, маънавий, тил, сўз.

Аннотации

В статье исследуются символические значения черного цвета в различных фразах.

Ключевые слова: мир, смысл, жизнь, различие, цвет, материальный, духовный, язык, слово.

Annotation

The article explores the symbolic meanings of black in various phrases.

Keywords: world, meaning, life, difference, color, material, spiritual, language, word.

Фразеологик бирликлар турли тил вакиллари моддий ва маънавий ҳаётининг баъзи жиҳатларини фарқлаш учун хизмат қилади, турли маданиятга тегишли инсонлар Оламни қандай қабул қилишини англаб етишга ёрдам беради. Рангларни фарқлаш даражаси турли миллат вакилида ҳар хил бўлгани учун, ранг компонентли фразеологизмларни ўзига хос қизиқиш билан ўрганилиши долзарб муаммодир. Битта рангнинг ўзи маълум бир миллатга меҳр ва бахт тушунчасини берса, бошқасида умуман қарама-қарши туйғуни ифодалаши мумкин.

Агар рамз атамасининг тарихига мурожаат этадиган бўлсак, қадимги юнонлар Symbol, яъни айрим одамларнинг ўзаро бир-бирларини таниб олиш учун зарур бўлган шартли ҳаракатлари, белги ва ишоралари, муайян предметларни қўллашлари маъносини англаувчи сўздан фойдаланганликлари аён бўлади. Шу нуқтаи назардан қаралса, қадимги аجدодларимиз икки хил асосдаги рамзларга кўпроқ мурожаат этганликларини англаб етамиз. Биринчиси-нарсa рамз, иккинчиси-ранг рамз.

Маданиятнинг ўрганишда **ранг** катта аҳамиятга эга. У таъсирчанликни оширувчи восита бўлиб, тил ва ижтимоий амалиётда мустаҳкамланган, турли омиллар билан бойитилган воситадир.¹

Қора ранг рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам ўхшаш маъноларни англатади. ”**Қора**” кўп ҳолатда зулмат, ўлим ва иблис тушунчасини берган: ”**қорапўстакданбургакидиришқийин**” - “в тёмной овчине трудно отыскать блоху”, ”**қоракунгақолдирмоқ**” - “оставить на

¹М.Бегизова. Подходы к изучению слов цветообозначения. Ҳозирги замон тилишунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилишунослиги йўналишларига доир масалалар. Т.2013.Б-203

чёрный день”, ”ораларидан қорамушукўтибқолди” - “чёрная кошка пробежала”, ”қоракигизювганбилан, оқармас” - чёрного неотмоешь до бела, ”қораюрак”- тёмное сердце,”қорасини кўрсатмоқ”-непоказываться.

Қора ранг турлилингвомаданиятларда ёвузлик, ўлим, тун, ғам-ғусса, қайғуни ифодалайди. Қора осмон,қора ер, ғор, чуқур, қабр, қоронғулик салтанати, марҳумлар диёри бўлиб у ерда қандайдир хавф-хатар, таҳдид яширингандек талқин қилинади.Рус халқи тилида “чёрный“ (қора) сўзи эски, қари, ифлос тугалланмаган, ёруғликдан маҳрум қандайдир нарсани англатади:*чёрнаястаруха,чёрныйход, чёрныйпол,черновик*. Яна қора ранг махфийлик-“қорасаҳна”(орқадан иш қилиш),қонун бузиш,қонунга зид иш қилиш-“қорабозор”(ноқонуний йўл билан ва ҳ.к.) сингари рамзий маъноларда қўлланилади.²

Этнограф Виктор Тернер ранг-рамзлар илғаб олиниш жиҳатидан анча қадимий эканлигини кўрсатиб берган.Унинг аниқлашича,қадимги инсон уч:дастлаб оқ, қора, қизил ранглар билан боғлиқ рамзларни кашф этган бўлса,кейинчалик у аста-секин бу учликка яшил,кўк,сарик ва бошқа ранглар билан алоқадор рамзларни киритган.³

Шарқ ва Ўрта Осиё маданиятида баъзан **қораранг** улуғворлик, буюклик рамзи сифатида талқин қилинган.”Академик шоир Ғафур Гулом Алишер Навоийнинг “Фарход ва Ширин” достонини тўлиқ шарҳ билан нашрга тайёрлашда Хоқон фарзандли бўлган куни

²Ш.Усманова.Лингвокультурология.-Тошкент.:2019.-Б.161

³Тернер.В.Символ и ритуал.-М.:Наука.1983

мамлакатдаги ҳамма деворларни қора рангли ипак матолар билан безаш буйруғини берганини айтади...Навоий яшаган пайтда қора ранг буюклик, улуғлик рамзи ҳисобланган.

Қораранг оловдан олиниб, ахлоқлик ва кўролмаслик, ғам-алам, ўлимни билдириб, ёруғликка қарама-қарши рамз ҳисобланади. **Тун** ҳам қайғу рамзидир.⁴

Ш.Раҳматуллаевнинг фразеологик луғатида юқоридаги иборалардан ташқари яна бир қанча ибораларни келтирганки, ўзбек халқи улардан нафақат сўзлашув нутқида, балки бадиий адабиётда ҳам фаол фойдаланади: **қорасиникўрсатмаслик, қоратергаботмоқ, қоратергатушмоқ, манглайқоракўнглиниқорақилмоқ** ва ҳ.к.

И.В.Федосов ва А.Н.Липицкийлар муаллифлигидаги “Фразеологический словарь русского языка” луғатида қора компонентли иборалар қуйидаги маънода келтирилган: **”чёрнаянеблагодарность”** -яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтармоқ; **”начёрныйдень”**-ночоркунгазахирақилмоқ; **”чёрномупобеломунаписано”**-тушунарли тарзда кўрсатмоқ, ушбу ибораларнинг айнан кўринишини ўзбек тили фразеологик луғатларида учратмайсиз.⁵

Бундан ташқари, қуйидаги русча ибораларда **қора** рангининг айнан ранг сифатида келиши: **”чёрныйтрубочист”** - **қорамўритозаловчи**, бу ерда майда касб эгаси маъносида қўлланмоқда, **”чёрнаяработа”**-**қорамеҳнат**-паст назар билан қараш

⁴Маслова В.А.Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. - М.:Изд.Центр “Академия”.2001.С-105

⁵И.В.Федосов. А.Н.Липицкий. Фразеологический словарь русского языка.М.:”Юнвест”.2003.С- 578

мазмунида, "чёрныдела" қораишлар- қонунан ман этилган маъноларида ҳам келишини кузатиш мумкин.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, бир хил ранг икки менталитет доирасида умуман бошқа-бошқа дунёқараш орқали баҳоланади. Тўғри, ўхшаш фикрлар ҳам мавжуд, лекин рамзий тушунча хоҳлаймизми, йўқми, миллатнинг турмуш тарзига боғлиқ жараёндир.

Ранг ҳақидаги тушунча ва сўз ўртасидаги боғлиқлик ҳар бир миллат вакилида ўзига хосдир. Инсондаги ранглар тили табиатан, унинг яшаш тарзига боғлиқ. Ранглар ортида инсонлар маъно қидиришади. Фразеологизмларни ўрганиш жараёнида эса алоҳида олинган миллатнинг нафақат тарихий ривожланиши, балки қадриятлари, турмуш тарзи, урф-одати ва фикран ёндошувини тадқиқ қилишимиз мумкин. Рус ва ўзбек тили фразеологизмларини таққослаш орқали рангларнинг рамзий маъноларини қабул қилиш даражасини ўрганиш билан бирга, улардаги айна ментал тушунчани англаб олиш мумкин бўлади.